



Чаушеску шахсига сигиниш – Руминия президенти Николае Чаушескунинг оммавий тарғибот воситаларида, маданият ва санъат асарларида, давлат хужжатларида, конунларда сунъий улугланиши бўлиб, унинг номини илохийлаштириб юборишдан иборат. Шимолий Кореяда Ким Ир Сеннинг шахсига сигинишдан илхомланган Чаушеску 1971 йилдан бошлаб 1960-йиллардаги либераллаштириш даврини бекор қилган «Июль тезислари»ни татбиқ қила бошлади. Шундан сўнг мамлакатда катъий миллатпараст мафкура жорий қилинди. Дастлаб шахсга сигиниш Чаушескунинг ўзига қаратилган бўлса, 1980-йиллардан бошлаб унинг рафикаси Еленанинг шахсига ҳам сигиниш унсурлари пайдо бўла бошлади. [\[1\]](#)

КЕЛИБ ЧИКИШИ

Чаушеску шахсига сигинишнинг дастлабки куртаклари 1968 йилда пайдо бўлди. Ўшанда у Варшава шартномаси давлатларининг Чехословакияга бостириб киришини кескин қоралагач, омма бу чиқишни хаддан ташқари олқишлаб кутиб олган эди. Шу кундан бошлаб мансабдор шахсларнинг нутқларида ҳам, румин матбуотида ҳам Чаушескуни Руминия билан тенглаштириш бошланди. [\[2\]](#) Шахсга сигиниш дастлаб Георге Георгиу-Деж давриданок бошланган эди, бироқ ҳукумат тепасига Чаушеску келгач, бу жараён мисли қўрилмаган қўламга эга бўлди.

[3]

ВАСФЛАР

Николае Чаушеску у пайтгача мавжуд бўлмаган республика президенти лавозимини эгаллаган захоти «Президент скипетри»га эга бўлди. Сальвадор Дали телеграмма юбориб, скипетрга эга бўлгани билан табриклади. Давлат назорати остида бўлган ва бу табрикномадаги кинояни сезмаган румин матбуоти ушбу телеграммани чоп килди.

Чаушеску бир пайтнинг ўзида бир неча давлат, партия ва харбий лавозимларни эгаллади: у хам президент, хам Куролли Кучларнинг Олий бош кўмондони, хам Руминия коммунистик партияси МК бош котиби, хам Иктисодий ва ижтимоий тараккиёт бўйича Олий кенгаш раиси, хам Мехнаткашлар миллий кенгашининг президенти, хам Социалистик демократия ва бирлик Фронтининг раиси эди. [4]

Мактаб ўқувчиларига биринчи синфдан бошлаб «партия, дохий ва миллат» хакидаги шеър ва кўшиқлар ёдлатиларди. Халкни унинг шахсига сизинтиришдан мақсад Чаушескуга нисбатан хар кандай ижтимоий муҳолифатга ўрин қолдирмаслик эди, чунки у хар кандай айбу нуксондан холи бўлган, хар кандай танқиддан юкори бўлган зот хисобланарди. [5]

МАТБУОТДАГИ ОБРАЗ

Руминия Оав Чаушескуни марксизм-ленинизмга улкан хисса қўшган [6] коммунистик назариётчи, дахо, «фикри» барча миллий ютуқларнинг манбаи бўлган сиёсий арбоб сифатида тасвирлай бошлади.

[7]

[8]

Унинг асарлар тўплами мунтазам равишда қайта чоп қилинар, бир неча тилларга таржима хам қилинган эди. Унинг асарлар тўплами жами бир неча ўн жилддан иборат

бўлиб, Руминиядаги хар бир китоб дўконида албатта топиларди.

[\[9\]](#)

Елена эса «Миллат Онаси» деб васф килинарди. Кўпчиликнинг фикрига кўра, у шухратпарастлик ва иззатталабликда эридан хам ўзиб кетган эди.

[\[10\]](#)

ОАВ «Чаушескунинг олтин асри», «Мамлакат равнаки ва истиклолининг кафили», «Мамлакат истикболининг узокни кўра билувчи меъмори» ва шу каби кўплаб иборалардан фойдаланар эди. [\[11\]](#) «Озод Европа Радиоси» учун ёзадиган Дэн Ионеску румин ёзувчилари Чаушескуни макташ учун ишлатадиган сифатлар рўйхатини тузиб чиккан эди. Улар орасида «Меъмор», «Самовий жисм», «Демидург (Олиха)», «Арча», «Дахо», «Дунёвий маъбуд», «Мўъжиза», «Тонг юлдузи», «Навигатор», «Ажойиб шахзода», «Авлиё», «Халоскор», «Куёш», «Титан» ва «Башоратчи» каби сифатлар бор эди.

[\[12\]](#) [\[13\]](#) [\[14\]](#)

Бирок уни оддий оиладан чиккан, бу юксак чўккига чикишга ўз кучи билан эришган инсон деб таърифлашарди. Шу тарика румин халки тарихидаги тарихий мисоллар билан рамзий алока ўрнатилган эди. Мисоллар тарикасида Аврам Янку ва Василе Урсу Николае каби румин миллий харакати рахбарлари хамда аввалги инкилоблар иштирокчилари олинган эди. [\[15\]](#)

Табиийки, Чаушескулар ўзининг жамоатчилик наздидаги сиймоси хакида жуда кўп кайгуришарди. Фотосуратларнинг аксариятида уларнинг 1940-йилларнинг охирида тушган суратлари акс этарди. Руминия давлат телевидениесига уларни факат ижобий суратда кўрсатиш хакида катъий буйрук берилган эди. Масалан, улар Николае Чаушескунинг 165 см лик бўйи кадрда сезилмаслиги учун нихоятда эҳтиёткорлик килишлари зарур эди. Еленани эса хеч ким хеч қачон ёнбошидан кўрмаган эди, чунки унинг бурни жуда катта бўлиб, кўриниши хам оддий уй бекасига ўхшар эди. Бу коидаларни бузиш жуда огир окибатларга олиб келар эди. [\[16\]](#) «Секуритате»да телевидение ходимлари устидан кузатиб турувчи махсус протокол бўлими бор эди. Хар қандай кўрсатув Николае Чаушескунинг тутилиб қолгани, дудуклангани ва бошка шу каби гайриихтиёрий харакатлари батамом кесиб ташлангандан кейингина эфирга узатиларди. [\[17\]](#) Бир мухаррир Чаушеску кўзини пирпиратган ва дудукланган кадрни эфирга узатиб юборгани учун уч ойга ишдан четлатилган.

[\[18\]](#)

Чет эллик давлат арбоблари билан учрашувларда эса тасвирчилар уларнинг бўйларидаги тафовут сезилмайдиган килиб суратга олишга мажбур эди. Масалан, Чаушескуни хеч қачон бўйи учун сиёсатчилар билан, масалан Жискар-д'Эстен ёки Шарль де Голль билан ёнма-ён кўрсатишмасди.

[\[19\]](#)

Бир куни фотосуратчилар Чаушескуни ёнбошдан, биттагина кулоги кўринган холда суратга олишган. Шундан сўнг «бир кулокли» (румун тилида бу ибора «акли паст» деган кўчма маънони ҳам англатади) портрет хақидаги ҳазил ҳаммаёкка таркаб кетган. Ёнбошдан олинган бундай фотосуратлар нотўғри ҳисобланарди, шунинг учун дарҳол иккала кулок ҳам кўриниб турган янги суратларга алмаштирилган. [\[20\]](#) [\[21\]](#)

САНЪАТ ВА АДАБИЁТ

Мамлакатнинг зиёлилари Чаушескуга тинмай миннатдорчилик билдириб туришарди. [\[22\]](#) 1973 йилда «Багишлов» деб номланган, бошдан оёк мактовлардан иборат бир бутун китоб чоп килинган.

[\[23\]](#)

Рассом Сабин Бэлаша эса Бухарест мэриясининг буюртмасига биноан Чаушескунинг рафикаси Елена билан бирга тасвирланган оилавий суратини чизган.

[\[24\]](#)

Диссидент Михай Ботезнинг айтишича, норозилик билдирганларнинг нима учун бу қадар камлигига асосий сабаб шахсий жасоратга эмас, балки уриниш ва натижанинг тахлилига бориб такаларди. Кўпчилик пухта ташкил килинган режимга қарши чиқишдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигини, аммо бунинг оқибати яхши бўлмаслигини жуда яхши тушунарди. Масалан, бунинг учун университетдан ҳайдашлари, сургун қилишлари ёки мамлакатдан чиқариб юборишлари мумкин эди. [\[25\]](#)

Шунингдек, бунга 1980-йилларнинг охирига қадар гарб давлатларининг Чаушеску билан жуда яхши муносабатда бўлиб келгани ҳам сабаб бўлган эди. Улар у пайтда Руминиянинг ички муаммолари билан кизикишмас эди [\[26\]](#). Бир қатор гарб давлатларининг (АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Япониянинг) Руминиянинг мустақил сиёсати олдида таъзим қилиши муҳолифатни гангитиб қўйган эди. Михай Ботезанинг айтишича, у кўп йиллар давомида у қабил диссидентларни «Гарбнинг душмани» деб ҳисоблашларини сезиб юрган, Чунки улар Чаушескуни АҚШдан узоклаштиришга уринишарди.

[\[27\]](#)

Бирок, 1985 йилда Михаил Горбачев ҳокимиятни эгаллагач, Чаушескуга гарб давлатларидан ёрдам келмай колди. Чаушеску жахон майдонида долзарб бўлмай колгач, гарб мамлакатлари уни қайта қуриш ва ошқораликнинг ўз вариантыни амалга оширгиси келмагани учун танқид қила бошлашди. [\[28\]](#)

ПАРТИЯДА

Бундай ҳолат Руминия коммунистик партиясининг ичида ҳам рўй берди. Бу воқеаларнинг энг асосийси 1979 йилнинг ноябрида, РКПнинг XII съезди пайтида юз берди. Кекса амалдор Константин Пырвулеску МКни факатгина Чаушескуни кўқларга кўтариб мактайверишда, мамлакатдаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳеч қандай чора кўрмасликда айблади. Шундан сўнг уни партиядан ўчиришди, уй қамоғига ҳукм қилиб, устидан қучли назорат ўрнатиб қўйишди. [\[29\]](#)

МЕРОС

Чаушескунинг шахсига сигиниш ҳамда ҳокимият унинг оиласи қўлига ўтиб қолгани туфайли руминларнинг бутун Компартия сиёсий аппаратида эмас, балки Николае Чаушескунинг ўзидан каттик ҳафсаласи пир бўлган эди. Шунинг учун 1990 йилги Умумхалқ сайловларида асосан РКПнинг собиқ аъзоларидан иборат бўлган Миллий нажот Фронти галаба қозонди. [\[30\]](#)

Абу Муслим. "Шахсга сигиниш" китобидан

[1] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[2] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[3] Steven D. Roper, Romania: The Unfinished Revolution, Routledge, 2000, ISBN 90-5823-027-9

[4] Ronald D. Bachman (ed.), Romania: A Country Study. «The Ceausescu Era» Washington: GPO for the Library of Congress, 1989.

[5] William E. Crowther, The Political Economy of Romanian Socialism. New York: Praeger, 1988, ISBN 0275928403

[6] William E. Crowther, The Political Economy of Romanian Socialism. New York: Praeger, 1988, ISBN 0275928403

[7] William E. Crowther, The Political Economy of Romanian Socialism. New York: Praeger, 1988, ISBN 0275928403

[8] Ronald D. Bachman (ed.), Romania: A Country Study. «The Ceausescu Era» Washington: GPO for the Library of Congress, 1989.

[9] William E. Crowther, The Political Economy of Romanian Socialism. New York: Praeger, 1988, ISBN 0275928403

[10] Sebetsyen Victor. Revolution 1989: The Fall of the Soviet Empire. — New York City: Pantheon Books, 2009. — ISBN 0-375-42532-2.

[11] Ronald D. Bachman (ed.), Romania: A Country Study. «The Ceausescu Era» Washington: GPO for the Library of Congress, 1989.

[12] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[13] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[14] «An A to Z of the Personality Cult in Romania», Radio Free Europe SK/1 (2 February 1989).

[15] William E. Crowther, The Political Economy of Romanian Socialism. New York: Praeger, 1988, ISBN 0275928403

[16] Sebetsyen Victor. Revolution 1989: The Fall of the Soviet Empire. — New York City: Pantheon Books, 2009. — ISBN 0-375-42532-2.

[17] Владимир Шевелев: Чаушеску и «золотая эра» Румынии

[18] Sebetsyen Victor. Revolution 1989: The Fall of the Soviet Empire. — New York City: Pantheon Books, 2009. — ISBN 0-375-42532-2

[19] Владимир Шевелев: Чаушеску и «золотая эра» Румынии

[20] Alex. Ștefănescu, «Un portret neretușat al lui Ceaușescu», România literară, 2/2009

[21] Caterina Preda, Dictators and Dictatorships: Artistic Expressions of the Political in Romania and Chile (1970s-1989): No Paso Nada...?, Universal-Publishers, 2010, стр. 284

[22] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[23] William E. Crowther, The Political Economy of Romanian Socialism. New York: Praeger, 1988, ISBN 0275928403

[24] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[25] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[26] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[27] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[28] Dennis Deletant. Ceaușescu and the Securitate: Coercion and Dissent in Romania, 1965—1989, p. 229. M.E. Sharpe, 1995, ISBN 1-56324-633-3

[29] Ronald D. Bachman (ed.), Romania: A Country Study. «The Ceausescu Era» Washington: GPO for the Library of Congress, 1989.

[30] Steven D. Roper, Romania: The Unfinished Revolution, Routledge, 2000, ISBN 90-5823-027-9